


Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyva - الماتريدية - Матуридизм



**SLIB.UZ**  
Scientific library of Uzbekistan

3/2024

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.org

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi ..... 4

#### Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари ..... 17

#### Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи ..... 25

#### Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни ..... 32

#### Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

#### Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari ..... 47

#### Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

### ДИНШУНОСЛИК

#### Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 62

#### Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили ..... 70

### ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

#### Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

#### Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи ..... 83

#### Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

#### Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти ..... 97

**Abdullo N. GHULOMOV,**

Lecturer at the «Sayyid Muhyiddin Makhdum»  
Secondary Special Islamic Educational Institution, PhD.  
Khursandlik str. 71, 171004, Andijan, Uzbekistan.  
E-mail: [abulfotih1991@gmail.com](mailto:abulfotih1991@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/4

**МАҲМУД ЛОМИШИЙНИНГ «ТАМҲИД»  
АСАРИДА ИМОН ВА УНГА БОҒЛИҚ  
МАСАЛАЛАР БАЁНИ**

**STATEMENT OF FAITH AND ISSUES  
RELATED TO IT IN MAHMUD LAMISHI'S  
WORK «AL-TAMHID»**

**РАСКРЫТИЕ ВОПРОСОВ СВЯЗАННЫХ  
С ВЕРОЙ В «ТАМХИДЕ» МАХМУДА  
ЛАМИШИ**

**КИРИШ**

Марказий Осиё қадимдан илм-маърифат ва маданият маркази бўлиб келган. Денгиз йўллари кашф этилмасидан олдин бу ҳудуд савдо ва маданиятлар алмашинувининг марказларидан бири эди. Ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши натижасида ўлкада илм-фаннинг турли тармоқлари янада ривож топди, нафақат мусулмонларга, балки бутун дунё халқларига устоз бўлган Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий каби алломалар ва Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Насафийлар каби мутакаллимлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий каби муҳаддислар етишиб чикди.

Мовароуннаҳрлик мутакаллим олимлардан бири Маҳмуд ибн Зайд Ломиший (ваф. XII аср) бўлиб, у ўзининг «ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид» асарида аҳли сунна ақидасини мотуридия таълимоти асосида ёритиб берган. Асарда тавҳид, Аллоҳнинг исм ва сифатлари, имон, рисолат ва нубувват, авлиёларнинг кароматлари, ризк, шафоат, казо ва қадар каби масалалар баён этилган. «Тамҳид» асарининг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида унда баён этилган ҳар бир масала юзасидан мўътазиллий, қадарий, жабарий, қарматий, карромий, мужассима, рофизийлар каби адашган фирқаларнинг қарашлари баён этилиб, уларга аҳли

сунна ақидаси бўйича ақлий ва нақлий далиллар асосида раддиялар берилганини келтириш мумкин.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Маҳмуд Ломиший «Тамҳид» асарини мавзулар бўйича бобларга ажратиб, унинг охириги қисмида «Имон ҳақида»ги бобни келтириб ўтади. Беш фаслдан иборат мазкур бобда имоннинг моҳияти, унинг зиёда бўлиши ёки камайиши, имоннинг яратилган ёки яратилмагани, имонда истисно, муқаллиднинг имони каби масалалар ўрин олган.

Бобнинг биринчи фасли «Имоннинг моҳияти», деб номланиб, унда имоннинг таърифи, рукнлари, мазҳаб имомларининг бу борада айтган сўзлари, айрим адашган тоифаларнинг имон таърифидаги даъволари ва уларга раддиялар каби масалалар ўрин олган. Имон борасида мазкур манбада шундай дейилади: «Имон луғатда тасдиқлаш маъносини билдиради. «أمن له» («Амана лаху») ёки «أمن به» («Амана биҳи») жумлалари «Уни тасдиқлади», маъносини ифодалайди» (Lomishiy, 2007:127). Муаллиф мазкур фикрга Қуръони каримдан далил келтириб, «...Рост гапирсак ҳам, (барибир) сиз бизга ишонувчи эмассиз» («Юсуф» сураси, 17-оят)ни келтиради.

Асарда «Имон» сўзининг луғавий маъносидан сўнг истилоҳий маъноси изоҳланиб, «Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ таолонинг ҳузуридан нозил қилинган барча нарсага ишониш имон дейилади», деб таъкидланган (Lomishiy, 2007,127).

Аҳли сунна вал жамоанинг аксар уламолари наздида, имон «тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлаш»дан иборат (U.Uvatov, H.Sayfiyev, 2018:181). Бунга кўра, «имон» «дилнинг тил айтаётган нарсани тасдиқлаши»ни тақозо этади. Шунингдек, ислом ҳукмлари жорий бўлиши учун тил билан иқрор бўлиш ҳам зарурий ҳисобланади.

Имом Абу Ҳанифадан қилинган бир ривоятга кўра, имон фақат қалб билан тасдиқлашдангина иборат бўлиб, ундан ўзга нарса эмас. Тил билан иқрор қилиш эса тасдиққа далил бўлиб, Абу Ҳанифа уни имон рукнларига киритмаган. Абул Ҳасан Ашъарий, Абул Ҳасан Фазл Бажалий каби мутакаллимлар ҳам шу фикрни билдирганлар. Имом Мотуридий ҳам Имом Абу Ҳанифа йўлидан бориб имонга шундай таъриф берган: «Тил билан иқрор қилиш зиёда рукндир, аслий эмас. Аслий

**Аннотация.** Маҳмуд ибн Зайд Ломииший ҳижрий XI-XII асрларда Самарқандда фаолият юритган ҳанафий-мотуридий олим ҳисобланади. У мутакаллим ва усулий олим сифатида танилган. Унинг калом илмига оид «ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид», усул-фиқҳга доир «Китоб фи усул ал-фиқҳ», фиқҳий атамалар таърифига бағишланган «Баён каишф ал-алфоз» номли асарлари бизгача етиб келган. Ломииший асарлари Усмонли ва Салжук мадрасаларида ҳам дарслик сифатида ўқитилган.

Ушбу мақолада олимнинг калом илмига оид «ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид» асарининг сўнгги бобидан ўрин олган имон ва унга тааллуқли масалалар ёритилган. Беш фаслдан иборат мазкур бобда имоннинг моҳияти, унинг ортиши ёки камайиши, имоннинг махлуқ ёки махлуқ эмаслиги, муқаллиднинг имони, имонда истисно қилиши каби масалалар ўрин олган.

Муаллиф дастлаб имоннинг моҳияти, унга аҳли сунна уламолари томонидан берилган таърифлар, мотуридийларнинг бу борадаги қарашлари ва уларнинг далиллари, амаллар имоннинг таркибий қисмига кирмаслиги, хорижий ва жаҳмиёлларнинг бу борада тутган йўллари ҳақида тўхталган.

Имон бобининг учинчи фаслида унинг махлуқ ёки махлуқ эмаслиги борасида сўз боради. Бу бобда тасдиқ ва иқрор банданинг феъли бўлгани учун имоннинг махлуқлиги, лекин Аллоҳнинг тавфиқи ва ҳидояти махлуқ эмаслиги баён этилган.

Кейинги икки фасл муқаллиднинг имони ва имонда истисно масаласига бағишланган. Мазкур ўринда муаллиф мотуридийлар наздида муқаллиднинг имони эътиборли экани, имонда истисно эса жоиз эмаслиги ҳақидаги далилларни келтириб ўтади.

**Калит сўзлар:** Ломииший, калом илми, ҳанафий-мотуридий, мутакаллим ва фақиҳ, «ат-Тамҳид», имон, муқаллид, тасдиқ, иқрор.

**Abstract.** Mahmud ibn Zayd Lamishi was a prominent Hanafi-Maturidi scholar active in Samarkand during the 11th–12th centuries CE (5th–6th centuries AH). Renowned as a theologian (mutakallim) and jurist (faqih), Lamishi authored several notable works that have survived to this day, including the theological treatise *At-Tamhid li Qawa'id at-Tawhid*, the jurisprudential work *Kitab fi Usul al-Fiqh*, and *Bayan Kashf al-Alfaz*, which focuses on defining legal terminology. His works were also utilized as textbooks in the Ottoman and Seljuk madrasas.

This article examines issues related to faith as discussed in the final chapter of Lamishi's *At-Tamhid li Qawa'id at-Tawhid*. The chapter comprises five sections, addressing topics such as the essence of faith, whether faith can increase or decrease, whether it is created or uncreated, the faith of imitators (muqallid), and the concept of exception (istithna) in matters of faith.

The author first explores the essence of faith, definitions provided by Sunni scholars, the perspectives of the Maturidis and their evidences, the stance that actions are not integral to faith, and the approaches of the Kharijites and Jahmites on these topics.

The third section of the chapter discusses the question of whether faith is created or uncreated. It explains that, as confirmation and declaration are actions of the servant, faith is therefore created; however, Allah's guidance and assistance are not created.

The final two sections address the faith of imitators and the issue of exception in faith. The author provides evidence from the Maturidi viewpoint, arguing that the faith of an imitator is valid and that exception in faith is not permissible.

**Keywords:** Lamishi, theology, Hanafi-Maturidi, theologian and jurist, *At-Tamhid*, faith, imitator, confirmation, declaration

**Аннотация.** Махмуд ибн Зайд Ламиши был ханафитско-матуридитским ученым, который жил и работал в Самарканде в XI-XII веках. Он был известен как богослов и специалист по основам исламского права. До нас дошли его работы по науке калам «ат-Тамхид ли-каваид ат-тавхид», по основам фикха «Китаб фи усуль аль-фикх» и «Баян каишф аль-алфаз», посвященная определениям юридических терминов. Труды Ламиши использовались в качестве учебников в османских и сельджуцких медресе.

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с верой, из последней главы работы «ат-Тамхид ли-каваид ат-тавхид», которая посвящена теологическим вопросам. Эта глава состоит из пяти разделов, охватывающих сущность веры, возможность её увеличения или уменьшения, является ли вера сотворенной или несотворенной, веру мукаллида и допустимость исключений в вере.

Автор сначала рассматривает природу веры, определения, данные ей суннитскими учеными, взгляды матуридитов и их аргументацию, позицию о том, что действия не входят в состав веры, а также пути, избранные хариджитами и джахмитами в этом вопросе.

Третья часть главы о вере обсуждает, является ли она сотворенной, разъясняя, что хотя утверждение и признание являются деяниями человека, вера считается сотворенной, но божественное руководство и благодать не являются таковыми.

Последние два раздела посвящены вере мукаллида и вопросу о допустимости исключений в вере. В этой части автор приводит доказательства матуридитов о том, что вера мукаллида признается действительной, и исключения в вере недопустимы.

**Ключевые слова:** Ламиши, наука калам, ханафизм-матуридизм, богослов и правовец, «ат-Тамхид», вера, мукаллид, утверждение, признание.

рукн – қалб билан тасдиқ қилишдир. Иқроор эса, унга аломат ёки узрли бўлганлар учун шартдир» (Yusuf, 2011:562). Мазкур уламолар ушбу масалага ақлий далил ҳам келтириб, бир нарсанинг ўрни ўша нарсанинг зидди учун ҳам ўрин ҳисобланишини айтадилар. Жумладан, Имоннинг зидди куфр бўлиб, унинг ўрни қалбдир. Демак, имоннинг ҳам жойлашган макони қалб ҳисобланади (Lomishiy, 2007:128).

Аҳли сунна уламоларидан Шамсул-аимма Ҳалвоний ва Фахрул-ислом Паздавийлар тил билан иқроор бўлишни имоннинг зоида (кўшимча) рукни эканини, бироқ қалби тасдиқлаган нарсага тили билан узрсиз иқроор бўлмаса, у инсон мўмин ҳисобланмаслигини айтишган.

Қадарийлардан Даққокий Рақоший, Абдуллох ибн Саид Қаттон ҳамда карромийларнинг барча вакиллари юқоридаги фикрга қарши ўларок: «Имон фақат тил билан иқроор бўлишдир. Чунки, Пайғамбар (а.с.): «Мен инсонлар билан «Лаа илаҳа иллаллох», дегунларича уруш қилишга амр қилиндим», деган. Шунингдек, Пайғамбаримиз мунофиқлар билан урушишни ман қилиб, уларнинг тилларидаги имонига эътибор қилганлари ҳам бунга далил бўлади», деб таъкидлайдилар.

Аҳли сунна уламолари эса ушбу фикрга эътироз билдириб: «Бу ботил гап. Чунки, Аллох таоло тил билан иқроор бўлишнинг ўзини имон, деб атамади. Мунофиқлар борасида У зот шундай марҳамат қилади: «Оғизлари билан: «Имон келтирдик» дейдиган, (лекин) диллари имон келтирмаганлар куфр сари интилаётганлари Сизни хафа қилмасин» («Моида» сураси, 41-оят) (Abdulaziz Mansur, 2009:114), «Аъробийлар: «Имон келтирдик», – дедилар. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Сизлар имон келтирганингиз йўқ. Лекин, сизлар «Исломига кирдик», денг!» (Чунки, ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир» («Хужурот» сураси, 14-оят) (Abdulaziz Mansur, 2009:517). Аллох таоло Ўзининг каломида ўз пайғамбарини шу гапни айтишга буюряпти. Албатта, Аллох таоло ўз пайғамбарини ёлғонга буюрмайди. Аллох таоло шундай марҳамат қилади: «(Чунки, ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир». Ушбу оятда Аллох таоло имоннинг ўрни қалб эканини зикр қилади. Бунга яна бир оят далил бўлади: «Лекин кимнинг қалби имон билан хотиржам ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, у мустаснодир» («Наҳл» сураси, 106-оят) (Abdulaziz Mansur, 2009:279).

Юқорида зикр этилган далиллар «Имон фақат тил билан иқроор бўлишнинг ўзидир», деганларга раддия бўлади. Чунки, уларнинг фикрига кўра мунофиқлар ҳам мўмин ҳисобланади. Бу катта адашиш бўлиб, мунофиқларнинг куфри ва ёлғончилиги хусусида Қуръон оятлари нозил бўлган.

Мадина аҳлидан Молик ибн Анас, Шом аҳлидан Авзойи, Ҳижоз аҳлидан Шофеий каби фақиҳлар ҳамда Исҳоқ ибн Роҳавайх, Аҳмад ибн Ҳанбал каби мутакаллимларнинг барчаси: «Имон тасдиқ, иқроор ва солиҳ амаллардан иборат», дея таъриф беришган. Хорижий ва мўтазилийлар ҳам имонга шаклан юқоридаги билан бир хил таъриф берадилар.

Улар ўз фикрларига қуйидаги оятларни далил қилганлар: «...имонларига яна имон кўшилиши учун...» («Фатҳ» сураси, 4-оят). Бинобарин, имондаги зиёдалиқ фақат солиҳ амаллар билан бўлади. «Аллох имонларингизни (Байтул-Мақдисга қараб ўқиган олдинги намозларингиз ажрини) зое кеткизмас» («Бақара» сураси, 143-оят) (Abdulaziz Mansur, 2009:511). Мазкур оятда намоз имон деб аталмоқда.

Шу ўринда аҳли сунна уламолари ҳамда хорижийлар ўртасида имон таърифида нозик фарқ мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Аҳли сунна уламолари наздида солиҳ амаллар имоннинг асл рукни эмас. Улар топилмаганда ҳам имон заволга учрамайди. Хорижийлар наздида эса солиҳ амаллар имоннинг асл рукнларидан бири бўлиб, усиз имон заволга учрайди (А.Тулєров, 2013:46).

Шунингдек, мўтазила тоифасининг амални имоннинг таркибига кўшиш каби қарашлари ҳам дуруст эмас. Чунки, Қуръонда имон ва амал алоҳида зикр қилинган: «Кимки Аллохга имон келтирса ва солиҳ амал қилса» (Талоқ сураси, 11-оят), «Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат) ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд у сабабли тақволи бўлсангиз» (Бақара сураси, 183-оят), «Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз...» (Моида сураси, 6-оят) (Abdulaziz Mansur, 2009:108). Мазкур оятларда улар амалга буюрилмасдан олдин мўмин, деб аталмоқда. Қуръонда кўп ўринларда «Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар» дея имон ва амал орасини ажратиб баён қилинган. Оятда яхши амалларни қилиш имон келтиришга

атф қилиб (бир-бирига боғлаб) келтирилган. Маътуфнинг ва маътуфун алайх(бири иккинчисига боғлиқ икки нарса)дан бошқалиги ҳеч кимга сир эмас (Abdurahim, 2012:260).

## МУҲОКАМА

Аллома Ломиший фикрича, агар солих амаллар имон жумласига кирганида, бу борада носих қилувчи (бекор қилувчи) ҳукмлар тушмаган бўлар эди. Чунки, имон насх(бекор қилиш)ни қабул қилмайди. Агар, амаллар имон таркибига кирганида, ҳеч ким комил имон билан вафот этмас эди. Чунки, имоннинг маълум чегараси, баркамоллигининг ниҳояси ва энг куйи даражасининг ўлчови мавжуд эмас. Уламолар ким тили билан иқрор қилиб, қалби билан тасдиқ қилса, итоат қилиш ёки гуноҳдан тийилишга улгурмай вафот қилса, унинг мўмин ҳолида вафот этганини таъкидлайдилар. Бу эса солих амаллар имон таркибига кирмаслигини исботлайди.

Яхши амалларни қилиш имондан ҳисоблан-маслигига энг ёрқин далиллардан яна бири, хайрли ишларнинг савоб келтирадиган амал бўлиши учун имон шарт қилингандир: «Кимки мўмин бўлган ҳолда эзгу ишларни қилса, бас, у зулмдан (қилмаган гуноҳларга жавоб беришдан) ҳам, камайишдан (савоби тўла берилмай қолишидан) ҳам хавфсирамас» (Тоҳо сураси, 112-оят). Ушбу оятда яхши амалларни мўмин ҳолатда қилиш шарт қилинган. Шарт билан шарт қилинган нарсаларнинг бошқа-бошқа экани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Демак, аҳли суннанинг орасида имон ҳақиқати ҳақида икки хил қараш мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фақатгина сўзда фарқ қилиб, аслида эса бир хил маънони ифода этади. Бу масала борасида мазҳаб имомларидан Имом Молик, Имом Шофеий ва Имом Аҳмадлар «Имон – қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор қилиш ва арконларга амал қилишдир. Бироқ, кимки баъзи тоатларнигина тарк қилган бўлса, имондан чиқмайди», деганлар.

Муҳаққиқ уламолардан Имом Ашъарий ва Имом Мотуридий эса: «Имон фақат қалб билан тасдиқ қилишдир», деганлар. Бу иккала фикр умумий тарзда ўрганилиб, уларнинг ораларидаги фарқ лафзий экани, яъни лафзлари турлича, маънолари эса бир хил экани маълум бўлган. Аввалги уламолар дўзахга киришдан нажот берувчи

комил имонни изоҳлашган. Бундай ҳолда амалнинг имондаги рунлардан бўлиши шубҳасиздир. Кейинги давр уламолари эса имоннинг аслини, яъни дўзахда абадий қолишдан нажот берадиган имонни тушунтиришган (Shahin, 2001:7).

Турли тоифалар орасида «Имон зиёда бўлади», деган фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, аҳли сунна уламолари, жумладан, Маҳмуд Ломиший ҳам уларга жавобан Ибн Аббосдан (р.а.) қилинган ривоятни келтириб, унда имоннинг зиёда бўлиши Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларига хос экани, инсонлар аввал исломга кириб, умумий имон келтиргач, сўнг нозил бўлган ҳар бир фарзга алоҳида имон келтиришлари билан боғлиқлиги айтилади. Чунки, ўша даврда фарз амаллар бирин-кетин нозил бўлган. Мусулмонлар ҳар бир фарзга имон келтиришлари умумий келтирилган имонини янада зиёда қилган. Айнан шу каби фикр «Ақоид ан-насафия» китобига Саъдуддин Тафтазоний томонидан ёзилган шарҳда ҳам келтирилган. Унда Имом Абу Ҳанифа ибн Аббосдан (р.а.) келтирилган юқоридаги ривоятга таянгани қайд этилади (Taftazoniy, 2018:283).

«Аллоҳ имонларингизни (Байтул-Мақдисга қараб ўқиган олдинги намозларингиз ажрини) зое кеткизмас» (Бақара сураси, 143-оят) оятида мусулмонларнинг Пайғамбар (а.с.) ни ва Каъбадан бошқа тарафга, яъни Байтул-Мақдисга қараб ўқилган намозининг жоизлигини тасдиқлаганларини ирода қилингани эҳтимоли бор. Тафсири уламолари: «Мазкур оят қибланинг ўзгартирилиши борасида нозил бўлган», деб таъкидлайдилар (Samarqandiy A. L., 1993:164-165). Мазкур оят асли намозга тааллуқли бўлиб, уларнинг имон борасидаги фикрларига хужжат бўлмайди.

Жаҳмийлар тоифаси етакчиси Жаҳм ибн Сафвон Росибий ва унга эргашганлар «Имон фақатгина маърифатдан иборат», деган (Pazdaviy, 2005:148). Бу гап нотўғри бўлиб, имоннинг луғавий маъносига ҳам зиддир. Чунки, кофирлар ҳам Аллоҳ таолони танишган: «Қасамки, агар улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» – деб сўрасангиз, албатта, «Аллоҳ», дерлар» (Луқмон сураси, 25-оят). Улар Пайғамбар (а.с.)ни ҳам билишарди: «Уни (Муҳаммадни) худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар» (Бақара сураси, 146-оят) (Abdulaziz Mansur, 2009:23). Шунга қарамасдан

улар қалблари билан тасдиқламаганликлари учун мўмин ҳисобланмайди.

Аҳли сунна вал-жамоа вакиллари эса фаришталар, китоблар ва пайғамбарларнинг барчасига имон келтирадилар. Маълум бўладики, тасдиқсиз маърифатнинг ўзи, яъни Аллоҳ ва унинг пайғамбарини танишнинг ўзигина имон бўла олмайди.

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, имон тасдиқ ва иқрордан иборат, шунинг учун у зиёда ва ноқис бўлмайди. Чунки, иқрор ва тасдиқ зиёдалиқ ва нуқсонни қабул қилмайди. Бу борада Абул Муин Насафий ўзининг «Баҳр ал-калом» асарида: «Имом Аъзам ва унинг асҳоблари наздида имон зиёда ва ноқис бўлмайди», дея айтиб ўтади (Nasafiy, 2000:156). Мазкур фикрни Мулла Али Қори ҳам ўзининг «ал-Фикҳ ал-акбар»га ёзган шарҳида таъкидлаб: «Фаришталардан иборат само аҳлининг ҳамда пайғамбарлар, валийлар, солиҳ ва фожир мўминлардан иборат жаннат ва ер аҳлининг имони унга имон келтириш лозим бўлган нарса нуқтаи назаридан зиёда ёки ноқис бўлмайди», деб келтирган (Qori, Sharh al-Fiqh al-akbar, 2019:183). Солиҳ амалларни имон таркибига киритганлар эса имоннинг зиёда ва ноқис бўлишини айтадилар. Мазкур ўринда зиёда ёки ноқислик банданинг амалига тегишли бўлади. Бу борада Сўфи Аллоҳёр шундай дейди:

«Яқин билгилки, имон бўлмағай кам,

Эрур бирдек, зиёда бўлмағай ҳам.

Яна шуни аниқ билгилки, имон кўпайиш ва озайиш сифатидан холидир (Zohid, 2018:45-46).

Имонни тасдиқ ва иқрордан иборат, дея таърифласак, демак у махлуқ (яратилган) ҳисобланади. Чунки, тасдиқ ва иқрор банданинг феълидир. Банданинг феъллари эса махлуқ ҳисобланади. Аммо, Аллоҳ таолонинг тавфиқи ва ҳидояти махлуқ эмас. Бу кўпчилик мутакаллим уламоларнинг фикри саналади.

Сўфи Аллоҳёр ўзининг «Маслак ал-муттақин» асарида бу борада қуйидагича таъкидлайди: «Ва яна тавфиқи ҳидоят Худодиндур, махлуқдин эрмас. Ул нимаки бандадиндур, яъни кўнгулда ва тилда айтмоқ – булар махлуқдир» (Olloyor, 2016:46).

Баъзи мутакаллимлар: «Имон Аллоҳнинг тавфиқи ва ҳидояти билан ҳосил бўлгани учун махлуқ эмас, чунки тавфиқ ва ҳидоят махлуқ ҳисобланмайди», дея фикр билдиришган. Имом

Ломиший тавфиқ ва ҳидоят Аллоҳ таоло томонидан эканини эътироф этган ҳолда, бу билан банданинг феъли ўзгариб қолмаслиги, шунинг учун имондаги тасдиқ ва иқрор банданинг феъли билан ҳосил бўлгани сабабли худди намоз, рўза ва бошқа ибодатлар каби махлуқ ҳисобланишини таъкидлаб ўтган (Lomishiy, 2007:147).

Мотуридийлар ва ашъарийлар ўртасидаги лафзий ихтилофлардан бири муқаллиднинг имони саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслиги масаласи ҳисобланади (S.Oqilov, 2020:164). Аллома Ломиший кейинги фаслда муқаллиднинг имони тўғрисида баҳс юритади. Дастлаб муқаллидга таъриф беради: «Муқаллид – уни динга чақирган инсонга тақлид қилган ҳолда имон келтирган кишидир» (Lomishiy, 2007:148). Мулла Али Қори тақлидга шундай таъриф беради: «Бировнинг сўзини далилсиз қабул қилиш тақлиддир» (Qori, Zov'ul maoliy, 2017:120). Муҳаммад Зоҳид Қутқу эса: «Муқаллид – дегани тақлидчи, бирор нарсага тақлид қилувчи, эргашувчи, бировга ўхшаб иш тутувчи, «Сизнинг айтганларингизни мен ҳам қабул қилдим», деб, динда ибодатнинг асли ва асосларини изламай, дарҳол бир шахсга тақлид қилиб, қаноат ҳосил қилган ҳолда унинг айтганларига ишонувчи кишидир. Ана шундай тарзда келтирилган имон ҳам мўътабар, яъни эътиборли бўлиши қатъий далиллар билан собитдир», дея изоҳлайди (Qutqu, 1999:137).

Имом Ломиший тақлидни изоҳлаш учун қуйидаги мисолни келтиради: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз замонларида бир кофирни ислом динига чақириб, унга эътиқод қилиши лозим бўлган таълимотларни баён қилдилар. У Пайғамбаримиздан (с.а.в.)мазкур таълимотларни қабул қилди, лекин сабот билан эътиқод қилмади. Ёки бизнинг замонамизда бир мусулмон инсон кофирни динга чақирди ва унга эътиқод қилиниши керак бўлган Аллоҳнинг бирлиги, оламнинг кейин пайдо бўлгани, Яратувчининг қадимлиги, фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдан эканига имон келтириш каби зарурий ақидаларни баён қилди. Унга Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ таоло у зотга юборган бу динни бизга етказганини, у зот (с.а.в.) пайғамбарликни етказишда ростгўй эканини, чунки у зот (с.а.в.)нинг ҳузурида мўжизалар содир



бўлганини билдирди. Мазкур инсон унга ислом хабарини берган мўминнинг гапини қабул қилди, лекин эътиқод қилмади. Агар, унинг гаплари тўғри бўлса, мен ҳам шу фикрдаман, нотўғри бўлса гуноҳи ўшанинг зиммасига, деган қабилда иш тутган муқаллид ҳеч қандай ихтилофсиз мўмин ҳисобланмайди. Чунки, у эътиқод қилиши лозим бўлган нарсага эътиқод қилмади, Аллоҳ таолонинг ҳузуридан келган нарсани тасдиқламади, балки бу борада шак-шубҳага борди. Шак-шубҳа устига қурилган нарса эса имон дейилмайди» (Lomishiy, 2007:148).

Уламолар ўртасидаги ихтилоф уни динга чақирган инсон баён қилган барча ақидаларни ҳеч қандай шак-шубҳасиз, бирор далилсиз қабул қилган ва уни тасдиқлаган муқаллид борасидадир.

Аҳли сунна уламолари айтадики: «Мазкур муқаллиднинг имони дуруст, у имон ҳақиқатини юзага чиқарди, чунки имон луғатда тасдиқ маъносида келган. Баъзи уламолар наздида Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг ҳузуридан олиб келган нарсаларни тасдиқлаш имон, дейилади. Уламолар оммаси эса ким тасдиқ ва иқрор этса, у мўминдир», деганлар.

Абул Ҳасан Ашъарийдан ҳам шу мазмундаги ривоят мавжуд, лекин у кишининг мазҳабларидаги машҳур гап «муқаллиднинг имони қабул бўлмаслиги» ҳақидадир.

Абулҳасан Рустуғфаний ва аҳли ҳадисларнинг охириги вакилларида Абу Абдуллоҳ Ҳалимий каби аҳли сунна олимлари: «Муқаллиднинг эътиқоди далилга таянмас экан, мўмин бўлмайди. У пайғамбарнинг динни етказувчи эканини, ундан мўжизалар содир бўлганини билиши лозим. Уни билгач, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан оламнинг кейин пайдо бўлгани, Яратувчининг қадимлиги ва бирлиги борасида нақл қилинган хабарларга эътиқод қилса, гарчи мазкур нарсаларнинг тўғрилигини ақлий далиллар билан билмасида мўмин ҳисобланади», деганлар.

Уларнинг ҳужжати шуки, мўмин бўлиш учун эътиқод бўлиши керак, шак-шубҳа билан қилинган эътиқод тўғри бўлмайди. Шак эса илмни вожиб қиладиган далил билангина кетказилади.

Илмни вожиб қилувчи далиллар учга бўлинади: ҳис қилиш аъзолари, ақлий далиллаш ва рост хабар. Ҳис қилиш аъзолари нарсалар ҳақиқатини англашда тўлақонли восита ҳисобланмайди. Демак,

ақлий далиллаш ёки рост хабардан бири бўлиши керак. Иккисидан бирининг топилиши илм ҳосил бўлиши учун етарли ҳисобланади.

Абулҳасан Ашъарий: «Муқаллиднинг имони қабул бўлиши учун у эътиқодий масалаларни ақлий далиллар асосида билиши лозим бўлади. Пайғамбар (с.а.в.)нинг Аллоҳнинг бирлиги, оламнинг яратилганлиги, Яратувчининг қадимлиги ва шу каби эътиқодий масалалардаги гапи у зот (с.а.в.)нинг пайғамбарликлари исботини топмағунича далил ҳисобланмайди. Пайғамбарликнинг исботланишидан олдин эса Юборувчи, яъни Аллоҳ таолонинг мавжудлиги билиши лозим. Агар оламнинг ҳодислиги билинса, унинг сўзи оламнинг яратилгани ва Яратувчининг борлигига ҳужжат бўлишга боғлиқ бўлиб қолади. Агар унинг сўзи ҳужжат бўлмаса, ақлий далил билан далиллаш лозим бўлади» (Lomishiy, 2007:138-139).

Мўътазилийлар: «Муқаллид мўмин эмас. Инсон эътиқодий масалаларнинг ҳар бирига ўша масала юзасидан ақлий далилга таяниб эътиқод қилмас экан, мўмин бўлмайди», - дея фикр билдирган.

Муаллиф ҳам Абулҳасан Ашъарий каби ҳар бир масалада ақлий далил бўлиши лозим, деган. Бироқ Абулҳасан Ашъарий муқаллид далилни тили билан ифода эта олиши, қарши тараф билан уларнинг шубҳа ва муаммоли масалалари юзасидан баҳс олиб бора олиш қобилиятига эга бўлиши, шубҳа пайдо бўлганда ақидасида шакка тушмаслик, балки ўша шубҳани бартараф қила оладиган далилни билишини шарт қилмаган.

Мўътазилийлар муқаллид мўмин бўлиши учун юқоридагиларни шарт қилган. Мўътазилийлар далилсиз тақлидий равишда келтирилган имон хусусида ихтилоф қилдилар. Улардан бир гуруҳи муқаллиднинг кофир эканига ҳукм қилган. Баъзилари эса: «У кофир ҳам, мусулмон ҳам эмас. Тақлид билан куфрдан халос бўлади, бироқ имонга кирмайди. Икки манзил орасида қолади», - деган.

Уларнинг фикрича, Аллоҳни танишда фарз ҳисобланган далилни тарқ қилиш гуноҳи кабира ҳисобланади. Уларнинг наздида имонга путур етказадиган гуноҳи кабира кишини имондан чиқаради.

Аҳли сунна наздида эса, муқаллид имоннинг асоси ва ҳақиқатини гарчи далилсиз бўлсада тасдиқлар экан, у мўмин ҳисобланади. Чунки,

далил мақсад қилинган нарсага етишда восита ҳисобланади, агар мақсад амалга ошса далилнинг мавжуд эмаслиги эътиборга олинмайди. Шунингдек, муқаллиднинг имони тўғри бўлиши учун муқаллад(муқаллид унга тақлидан имон келтирган шахс) диндан юз ўгирган тақдирда ҳам муқаллиднинг имонида собит туриши шарт қилинади.

Мўътазилийлар фикрича, Аллоҳ имон келтирганлик учун савоб ваъда қилган. Инсон эса савобга бу борада унга етган меҳнат-машаққат билан эришади. Далил қидириш ана ўша машаққатни англатади. Тасдиқнинг ўзигина машаққат ҳисобланмайди. Улар Пайғамбар (с.а.в.) Оиша (р.а.) га айтган қуйидаги ҳадисни ўз фикрларига далил қилиб келтиришади: «Албатта, ажринг машаққат, қийинчилигинг миқдоричадир». Мазкур ҳадисни Имом Бухорий «ал-Жоме ас-саҳиҳ»нинг «Умранинг савоби машаққат миқдорича экани ҳақидаги боб» да келтирганлар (Vuxotiy, 2002:430). Мазкур ҳадис умра ибодатидаги машаққат ва унга бериладиган савоб борасида экани ҳадис келтирилган боб номидан ҳам очиқ-ойдин англашилди.

Маҳмуд Ломиший бу борада шундай дейди: «Муқаллид мўмин деб ҳукм қилинар экан, унга имоннинг савобини олиш ҳам вожиб бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло бандаларига савоб беришни уларга раҳм қилганидан, фазл кўрсатганидан ваъда қилган. Ким имон келтирса, машаққат чекадимийўқми савобга эга бўлади» (Lomishiy, 2007:140).

Ломиший қарши тарафга агар улар илмни вожиб қилувчи далил керак, деяётган бўлса, у мавжудлигини айтади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир инсонни динга чақирса, унга эътиқод қилиниши лозим бўлган барча нарсани баён қилса, ўзининг Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар эканини айтиб, унга мўъжиза кўрсатса, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг расул экани ўз исботини топади. Шунингдек, Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан бошқа инсон бирор кимсани исломга даъват қилса, унга эътиқод қилиниши лозим бўлган барча нарсани баён қилса, Пайғамбар (с.а.в.)нинг Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар эканини, у зот (с.а.в.)дан мўъжизалар содир бўлганини хабар қилса, мазкур мўъжизалар ҳақидаги мутавотир йўл билан нақл қилинган хабар даъват қилинаётган инсонга етказилса, унинг хузурида рисолат ўз тасдиғини топган бўлади, унда хабар берилаётган

нарса ҳақида илм ҳосил бўлади. Чунки Пайғамбар (с.а.в.) ҳақидаги мўъжиза билан қувватланган хабар илм ҳосил бўлиши учун сабаб ҳисобланади (Lomishiy, 2007:142).

Имом Ломиший шу ўринда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратади. Имом Ашъарий билан замонасининг оми одамлари борасида ихтилоф йўқлигини таъкидлайди. Чунки, уларнинг ҳаммаси ҳам далил келтира олиш салоҳиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам улар турли кўркинч ва хавф-хатар пайтида Аллоҳга тасбеҳ, таҳлил айтиб, Унинг қудрати улуғлиги, хоҳиши барча нарсдан устунлигини эътироф этадилар.

Мотуридий ва ашъарийлар ўртасидаги ихтилоф чекка бир ҳудудда яшаган, бирор мусулмон уни кўриб, динга даъват қилган, эътиқод қилиниши лозим бўлган нарсалар баён қилинган, Пайғамбар (с.а.в.) бизга исломни етказгани унга билдирилган кимса борасидадир. Яъни, даъват қилинаётган инсон тафаккур юритиш ва далил келтиришдан олдин юқоридагиларга ишонса ва эътиқод қилса, ўша кишининг имони эътиборли ёки йўқлигида. Буни Абу Муин Насафий ҳам зикр қилган (Lomishiy, 2007:143).

Муқаллиднинг имони борасидаги фикрларга хулоса сифатида Мулла Али Қорининг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: «Муқаллиднинг имони тўрт имом наздида, гарчи у далилларни талаб қилишни тарк қилгани учун гуноҳкор бўлсада, саҳиҳдир» (Qori, Zov'ul maoliy, 2017:122).

Имон бобида келтирилган яна бир муҳим мавзу бу имонда истисно масаласидир. Мазкур масала мотуридий ва ашъарийлар ўртасидаги лафзий ихтилофлардан бири ҳисобланади. «Имонда истисно қилиш» деб бировдан «Сен мўминмисан?» деб сўралса, у ўзининг мўминлигини ифода қилишда имонини Аллоҳнинг хоҳишига боғлаган ҳолда, яъни «Мен, инша Аллоҳ, мўминман!» деганга ўхшаш жавоб беришига айтилади (B.Tojiboyev, Y.Mamarasulov, 2020:106-107). Мотуридий уламо-лар, хусусан, Имом Мотуридийнинг ўзи ҳам имонда истисно қилиш жоиз эмас, - деб ҳукм чиқарган (Moturidiy, 2019:280) ва қуйидаги оятни далил қилишган: «Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир» (Анфол сураси, 4-оят). Уларнинг фикрича, истисно ҳали мавжуд бўлмаган, вужудга келишида шак-шубҳа бўлган нарсаларда жоиз бўлади. Чунки, ўша ишнинг содир бўлиш ёки бўлмаглигидаги

Аллоҳнинг хоҳиши маълум эмас. Мана шу ишда истисно қилиш жоиз.

Агар, бир нарса ҳақиқатда мавжуд бўлса, Аллоҳ унинг мавжуд бўлишини қатъий ирода қилганини билсак, унда истисно қилиш жоиз бўлмайди. Шунинг учун тик турган одамнинг «Мен, иншааллоҳ, турибман», ўтирган одамнинг «Мен, иншааллоҳ, ўтирибман» дейиши мумкин эмас. Шунингдек, мўминнинг имони мавжудлиги аниқ бўлгандан кейин унинг: «Мен, иншааллоҳ, мўминман» дейиши мумкин эмас. Балки у: «Мен батаҳқиқ мўминман» дейиши лозим.

Ашъарийлар бу ўринда истисно қилиш даркор, деб ҳисоблайди. Чунки у Аллоҳ наздидаги ҳолатини ва ўлими олдидан қандай ҳолатда, имон ёки куфрда ўлишини, билмайди.

Уларнинг фикрича, ишонч ҳосил қилинган ўринда ҳам истисно қилиш мумкин. Аллоҳ таоло Қуръонда: «Албатта, сизлар (эй, мўминлар!) Масжидул-ҳаромга эмин-эркин, бошларингизни (сочларингизни) кирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда қўрқмасдан кирурсиз, иншоаллоҳ» (Фатҳ сураси, 27-оят), - дея марҳамат қилган. Масжидул-ҳаромга кириш Аллоҳнинг хабар бериши билан аниқ эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бирор қабр ёнидан ўтсалар: «Ассалому алайкум, эй, мўмин қавм диёри аҳли. Албатта, биз ҳам сизларга етишувчимиз, инша Аллоҳ», - дер эдилар. Тирикларнинг ўликларга етишиши эса шубҳасиздир, дейишади.

Аллома Ломиший ашъарийларнинг «унинг Аллоҳ ҳузуридаги ҳоли қандайлигини билмаймиз» деган гапига жавобан айтадики, агар инсон ҳақиқатда мўмин бўлса, унинг Аллоҳ ҳузуридаги ҳолати ҳам шундай бўлади. Чунки Аллоҳ таоло бирор нарсани унинг акси деб билмайди. Бирор нарса ҳақида унинг хилофи ўлароқ хулоса чиқариш илм ҳисобланмайди.

Ашъарийларнинг «Унинг ўлими олдидан қай ҳолатда бўлишини билмаймиз» деган гапларига жавобан айтиладики, ўлим олди ҳолатини инобатга олиб унинг имонда истисно қилиши, яъни «Мен, иншааллоҳ, мўмин ҳолда вафот этаман» дейишини айрим уламолар жоиз санаган. Лекин, аксар уламолар буни ҳам жоиз эмас, деганлар. Улар «Мен ҳақиқатда мўмин ҳолда вафот этаман» дейиш лозим, деганлар. Чунки, имонда бардавом бўлиш ва шу ҳолда вафот этиш вожиб ҳисобланади. Ҳар бир мўмин шундай эътиқод қилиши лозим саналади.

Бу борада ҳеч қандай гап йўқ. Ихтилоф айна пайтдаги имонда истисно қилиш жоизми ёки йўқлигида.

Улар далил қилган «Фатҳ» сураси 27-оятдаги «ин» сўздан мурод «из» ҳисобланади. Яъни, «агар Аллоҳ хоҳласа».

Яна ривоятда айтилишича, бу ердаги истисно киришнинг ўзида эмас, балки хотиржам ҳолатда киришда. Чунки, Аллоҳ таоло киришнинг хабарини берди, лекин хотиржам ёки бошқа ҳолда киришнинг хабарини бермади. Шунинг учун истисно қилинди.

Ҳадис борасида шуни айтиш мумкинки, Набий (с.а.в.)нинг ўша қабристонга дафн этилиши аниқ эмас. Демак бунда ҳам истисно қилиш жоиз.

Бу борада мотуридийлар ҳамда ашъарий ва хорижийлар ўртасидаги масала шуки, мотуридийлар наздида имоннинг ҳозирги ҳолати, қарши тарафнинг ҳузурида эса имон ва куфрнинг ҳозирги ҳолати эмас, балки ўлим олди ҳолати эътиборга олинади. Улар буни «мувофот», яъни «вафот этаётгандаги ҳолат» масаласи деб атайдилар. Мазкур ҳолат эса яшириндир.

Мотуридийлар наздида мўмин инсон то куфр келтирмагунча батаҳқиқ мўминдир. Агар, у ҳозир куфрни танласа кофир бўлади. Агар, чин мўмин бўлса, имонда истисно қилиши беҳуда гапдир. Имом Шамсуддин Самарқандий ўзининг «ас-Саҳоиф ал-илоҳия» номли асарида имонда истисно қилиш жоиз эмас, деб ҳисоблаган уламоларнинг олдинги сафида Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирдларини санаб ўтган (Samarqandiy S. , 1985:461).

## НАТИЖА

Имон ва унинг моҳияти борасида билдирилган фикрлардан унинг тасдиқ ва иқрордан иборатлиги ойдинлашади. Мазкур икки рукндан тасдиқ асосий ўрин эгаллайди. Иқрор эса дунёвий ишларда унга нисбатан мусулмон инсонга тегишли ҳукмлар жорий бўлиши учун шарт ҳисобланади. Имон тасдиқ ва иқрордан иборатлиги, мазкур икки рукн эса банданинг амали экани, бандадан содир бўладиган амаллар махлуқлиги эътиборидан имон ҳам махлуқ дейилади. Бироқ имон Аллоҳ томонидан берилган тавфиқ ва ҳидоят билан ҳосил бўлади, тавфиқ ва ҳидоят эса махлуқ ҳисобланмайди. Ҳанафий-мотуридий уламолари томонидан имон «тасдиқ ва иқрордан иборат» дея таърифлангани боис имон зиёда ва ноқис бўлмайди. Чунки тасдиқ ва иқрор кўпайиш ёки озайишни қабул қилмайди. Имон мавзусидаги яна

бир муҳим масала муқаллиднинг имони масаласи ҳисобланади. Мотуридий таълимоти уламолари наздида бировга тақлидан келтирилган имон ҳам эътиборга олинади. Шунингдек, мазкур тадқиқотда мотуридий ва ашъарийлар ўртасидаги лафзий ихтилофлардан бири бўлган имонда истисно масаласига тўхталиб ўтилган. Мотуридийлар наздида кишининг айна пайтдаги имони ҳақида «Сен мўминмисан?» деган саволга «Мен батаҳқиқ мўминман» дея жавоб бериши лозим бўлади. «Мен, иншоаллоҳ, мўминман» деган жавобда шак-шубҳа эҳтимоли борлиги учун, имон эса шак-шубҳа асосига барпо бўлмаслиги сабабли истисно қилиш жоиз эмас.

### ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Маҳмуд ибн Зайд Ломиший калом илми ўз тараққиётининг энг юқори босқичига кўтарилган даврда фаолият юритди. У буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотини ёйишда жонбозлик кўрсатди. «Китаб фи усул ал-фикх», «ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид», «Баён кашфил-алфоз» каби асарлари билан ҳанафий мазҳаби фикҳи ва мотуридия таълимоти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Хусусан, алломанинг калом илмига оид асарида динда муҳим ўрин эгаллайдиган ақидавий масалалар Қуръон ва суннат асосида баён қилиниб, нафақат аллома яшаб фаолият юритган вақтда, балки ҳар қандай даврда учраши мумкин бўлган адашган фирқа ва тоифаларга раддиялар берилган. Қариб тўққиз аср илгари яшаб ўтган аждодимизнинг илмий мероси нафақат ўз даври учун, балки ғоялар кураши авж олган ҳозирги давр учун ҳам ғоят аҳамиятлидир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.Тулупов. (2013). Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тошкент: Шарқ.
2. Абдурахим, А. (2012). Эътиқод дурдоналари. Тошкент: Тошкент ислом университети.
3. Б.Тожибоев, Й.Мамарасулов. (2020). «Салафий»ларга илмий раддиялар. Тошкент: Азон китоблари.
4. Бағдодий, А.И. (1995). ал-Фарқ байна ал-фирок. Байрут: Мактаба ал-асрия.
5. Бухорий, И. (2002). Саҳихул-Бухорий. Дамашк: Дор ибн Касир.
6. Ҳанафий, А.И. (2016). Шарҳ ақоид ат-Таҳовия. Қоҳира: Дор ал-ғод ал-жадид.
7. Жалолиддин Суютий, Жалолиддин Маҳаллий. (2016). Тафсири Жалолойн. Дамашк: Дор ибн Касир.
8. Ломиший, М. И. (2007). ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
9. Мансур, А. (2009). Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Тошкент ислом университети.
10. Мотуридий, А.М. (2019). Китоб ат-тавҳид. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
11. Насафий, М.И. (2000). Баҳрул калом. Дамашк: Дор ал-фарфур.
12. Оллоёр, С. (2016). Маслак ал-муттақийн. Тошкент: Ғафур Фулом.
13. Паздавий, А.Й. (2005). Усул ад-Дин. Қоҳира: Мактаба ал-азҳария лит-Турос.
14. Қори, М.А. (2017). Зовбул маолий. Истанбул: Дор ал-байрутий.
15. Қори, М.А. (2019). Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар. Байрут: Дор ан-нафоис.
16. Кутку, М.З. (1999) Аҳли суннат вал жамоат ақоиди. Тошкент: Мовароуннаҳр.
17. С.Оқилов. (2020). Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. Тошкент: Ҳилон-нашр.
18. Самарқандий, А.Л. (1993). Баҳрул улум. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
19. Самарқандий, С. (1985). ас-Соҳаиф ал-илаҳийя. Ар-Риёз: Мактаба ал-фаллах.
20. Шохин, А.А. (2001). ал-Манҳал ал-ҳадис. Байрут: Олам ал-кутуб.
21. Тафтазоний, С. (2018). Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия. Тошкент: Мовароуннаҳр.
22. У.Уватов, Ҳ.Сайфиев. (2018). Абу Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси. Тошкент: Мовароуннаҳр.
23. Юсуф, С.М. (2011). Сунний ақидалар. Тошкент: Шарқ.
24. Зоҳид, Р. (2018). Равойиҳ ар-райхон (Саботул ожизин шарҳи). Тошкент: Шарқ.

### REFERENCES:

1. Tulepov, A. (2013). *Islom va aqidaparast oqimlar*. Tashkent: Sharq.
2. Abdurahim, A. (2012). *E'tiqod durdonalari*. Tashkent: Tashkent Islamic University.
3. Tojiboyev, B., & Mamarasulov, Y. (2020). «Salafiy»larga ilmiy raddiyalar. Tashkent: Azon Kitoblari.
4. al-Baghdadi, A. I. (1995). *al-Farq bayna al-firaq*. Beirut: Maktaba al-Asriya.
5. al-Bukhari, I. (2002). *Sahih al-Bukhari*. Damascus: Dar Ibn Kathir.
6. al-Hanafi, A. I. (2016). *Sharh aqidah at-Tahawiyah*. Cairo: Dar al-Ghad al-Jadid.
7. Jalal al-Din al-Suyuti & Jalal al-Din al-Mahalli. (2016). *Tafsir al-Jalalayn*. Damascus: Dar Ibn Kathir.

8. al-Lamishi, M. I. (2007). *at-Tamhid li Qawa'id at-Tawhid*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
9. Abdulaziz Mansur. (2009). *Qur'an Karim: Translation and Commentary of Meanings*. Tashkent: Tashkent Islamic University.
10. al-Maturidi, A. M. (2019). *Kitab at-Tawhid*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
11. al-Nasafi, M. I. (2000). *Bahr al-Kalam*. Damascus: Dar al-Farfur.
12. Olloyor, S. (2016). *Maslak al-Muttaqin*. Tashkent: G'afur G'ulom.
13. al-Pazdawi, A. Y. (2005). *Usul ad-Din*. Cairo: Maktaba al-Azhariya lit-Turath.
14. al-Qari, M. A. (2017). *Zaw' al-Ma'ali*. Istanbul: Dar al-Bayruti.
15. al-Qari, M. A. (2019). *Sharh al-Fiqh al-Akbar*. Beirut: Dar an-Nafais.
16. al-Qutqu, M. Z. (1999). *Ahl al-Sunnah wal-Jama'ah Beliefs*. Tashkent: Movarounnahr.
17. Oqilov, S. (2020). *Abu Mansur al-Maturidi's Scholarly Legacy and Maturidiyya Teachings*. Tashkent: Hilol-Nashr.
18. al-Samarqandi, A. L. (1993). *Bahr al-Ulum*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
19. al-Samarqandi, S. (1985). *as-Sahif al-Ilahiyya*. Riyadh: Maktaba al-Fallah.
20. Shahin, A. A. (2001). *al-Manhal al-Hadith*. Beirut: Alam al-Kutub.
21. al-Taftazani, S. (2018). *Sharh al-Aqidah an-Nasafiyya*. Tashkent: Movarounnahr.
22. Uvatov, U., & Sayfiyev, H. (2018). *Abu Muin Nasafi's Life and Scholarly Legacy*. Tashkent: Movarounnahr.
23. Yusuf, S. M. (2011). *Sunniy Aqidalar*. Tashkent: Sharq.
24. Zohid, R. (2018). *Rawaih ar-Rayhan (Commentary on Sabat al-Ajjizin)*. Tashkent: Sharq.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 1/8.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.